

**ГУЛИСТОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.03/05.06.2020.B.91.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ
КЕНГАШ**

ГУЛИСТОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ШАПУЛАТОВ УТКИРЖОН МУХАММАДИЕВИЧ

**БУҒДОЙНИНГ ЗАМБУРУҒЛИ КАСАЛЛИКЛАРИГА
ЧИДАМЛИЛИГИНИ ОШИРУВЧИ ТАБИИЙ ВА СИНТЕТИК
ИНДУКТОРЛАР**

02.00.10 – Биоорганик кимё

**БИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Гулистон – 2020

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)

Шапулатов Уткиржон Мухаммадиевич

Буғдойнинг замбуруғли касалликларига чидамлилигини оширувчи табиий ва синтетик индукторлар.....3

Шапулатов Уткиржон Мухаммадиевич

Природные и синтетические индукторы повышающие устойчивости пшеницы грибковым заболеваниям.....21

Shapulatov Utkirjon Mukhammadiyevich

Natural and synthetic inductors that increase the resistance of wheat to fungal diseases.....39

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works.....43

**ГУЛИСТОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.03/05.06.2020.B.91.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ
КЕНГАШ**

ГУЛИСТОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ШАПУЛАТОВ УТКИРЖОН МУХАММАДИЕВИЧ

**БУҒДОЙНИНГ ЗАМБУРУҒЛИ КАСАЛЛИКЛАРИГА
ЧИДАМЛИЛИГИНИ ОШИРУВЧИ ТАБИИЙ ВА СИНТЕТИК
ИНДУКТОРЛАР**

02.00.10 – Биоорганик кимё

**БИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Гулистон – 2020

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида DSc.03/05.06.2020.B.91.03 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Гулистон Давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.biochem.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот таълим тармоғида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар: **Қўшиев Ҳабибжон Ҳожибобоевич**
биология фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар: **Хашимова Нигора Рустамовна**
биология фанлари доктори, катта илмий ходим

Убайдуллаева Хуршида Абдуллаевна
биология фанлари доктори, катта илмий ходим

Етакчи ташкилот: **ЎзР ФА Микробиология институти.**

Диссертация ҳимояси Гулистон давлат университети ҳузуридаги DSc.03/05.06.2020.B.91.03 рақамли Илмий кенгашнинг 2020 йил «___» _____ соат ___ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 120100, Гулистон ш., 4-микрорайон., Тел.: 225-42-75, факс: (99867) 225-40-42).

Диссертация билан Гулистон давлат университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (_____ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 120100, Гулистон ш., 4-микрорайон., Тел.: 225-42-75, факс: (99867) 225-40-42), e-mail: zafar@mail.ru).

Диссертация автореферати 2020 йил «___» _____ да тарқатилди.
(2020 йил _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси)

З.Тилиябаев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси ўринбосари, б.ф.д., профессор

З.У.Абдикулов

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш илмий котиби, б.ф.н., доцент

Н.Р.Хашимова

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, б.ф.д., катта илмий ходим

КИРИШ

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти. Бугунги кунда дунёда сони ортиб бораётган аҳолининг озиқ-овқатга бўлган эҳтиёжини қондириш энг муҳим стратегик аҳамиятга эга бўлиб, бунда қишлоқ хўжалик маҳсулотлари асосий ўринни эгаллайди. Буғдой дони озиқ-овқат маҳсулоти сифатида Ер юзининг деярли барча мамлакатларида етиштирилади (FAO, 2018). Аҳоли эҳтиёжига кўра етиштирилаётган буғдой донининг миқдори йиллар кесимида ортиб бориб, тегишли манбаларда қайд этилишича, 2024 йилда 788 млн. тоннани ташкил этиши қайд қилинган (Койшыбоев, 2018). Етиштирилаётган буғдой дони йил сайин ортиб бориш тизимида табиий бирикмалар асосида яратилган индукторлардан фойдаланган ҳолда, ўсимлик ниҳолларини биотик омиллар, жумладан, замбуруғли касалликларга чидамлилигини ошириш, ҳосилдорликни камайишини олдини олиш ва ҳосил сифатини ошириш имкониятини беради. Шунга кўра буғдой ниҳолларини ташқи стресс омилларга чидамлилиги ва дон сифатини оширувчи табиий бирикмалар асосли индукторларни аниқлаш ёки яратиш, уларнинг таъсирини физиологик-биокимёвий, молекуляр генетик жиҳатдан таҳлил қилиш бўйича тадқиқотлар олиб бориш муҳим аҳамиятга эга.

Жаҳоннинг йирик илмий марказларида олиб борилаётган тадқиқот натижалари ва маълумотларига кўра озиқ-овқат маҳсулотлари билан боғлиқ ҳолда буғдой етиштирадиган мамлакатларда буғдой ниҳоллари ва донида замбуруғли (25 хил), бактериал (3 хил), вирусли (12 хил) касалликларнинг учраши қайд қилинган (Dubeiller, Singh et al, 2014; Койшыбаев, 2018). Шунга кўра буғдойнинг касалликларга нисбатан иммун тизими фаоллигини ошириш йўналишларида тадқиқотлар олиб борилмоқда. Бу ўринда ўсимликларнинг замбуруғли патогенларга нисбатан иммун тизими ҳолатини баҳолаш, табиий физиологик фаол бирикмаларнинг чидамликни оширувчи молекуляр структуралари ҳамда механизмларини аниқлаш асосида самарали индукторларни яратиш зарур.

Мамлакатимизда ўсимликларни ўсиш-ривожланиш босқичларида ташқи биотик ва абиотик стресс омиллар таъсирини табиий физиологик фаол моддалар ёрдамида бошқаришга алоҳида эътибор берилмоқда. Шунингдек, ташқи стресс омилларга чидамлилиги, ҳосилдорлик ва ҳосил сифатини ошириш бўйича биологик белгиларини молекуляр-генетик тадқиқ қилиш асосида натижаларга эришилмоқда. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегиясида «Илмий-тадқиқот ва инновация фаолиятини рағбатлантириш, илмий ва инновация ютуқларини амалиётга жорий этишнинг самарали механизмларини яратиш»¹ бўйича алоҳида вазифалар белгилаб берилган. Шунга кўра мамлакатимизда муҳим стратегик аҳамиятга эга бўлган буғдойнинг замбуруғли фитопатогенларга нисбатан чидамлилигини табиий физиологик фаол моддалар ёрдамида оширишнинг молекуляр-генетик механизминини аниқлаш ва ўсимликларни

¹Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7-февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида» ги Фармони

чидамлилигини оширувчи индукторларни аниқлаш ва яратиш муҳим илмий-амалий аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони, 2018 йил 27 апрелдаги ПҚ-3683-сон «Ўзбекистон Республикасида уруғчилик тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ва 2020 йил 28 январдаги ПҚ-4575-сон «Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган стратегиясида белгиланган вазифаларни 2020 йилда амалга ошириш чора-тадбирлари»² тўғрисидаги Қарорлари ҳамда бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига боғлиқлиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг V. «Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф-муҳитни муҳофазаси» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Жаҳоннинг кўпгина етакчи илмий марказ ва олий таълим муассасаларида ўсимликлар чидамлилигининг молекуляр механизмларини ўрганишга йўналтирилган илмий изланишлар олиб борилмоқда. Жумладан, БМТнинг озик-овқат ва қишлоқ хўжалик ташкилоти (FAO)да олиб борилган тадқиқотлар асосида ўсимликларнинг стресс омилларга чидамлилигини ошириш асосида экологик хавфсиз озик-овқат маҳсулотларини яратиш, курғоқчил ерларда қишлоқ хўжалиги тадқиқотлари халқаро маркази (ICARDA) олимлари томонидан олиб борилган тадқиқотларда замбуруғли касалликларга чидамли навларни яратиш, Вашингтон давлат университети (АҚШ) олимлари томонидан олиб борилган тадқиқотлар асосида биорегуляторлар ёрдамида ўсимликларнинг стресс омилларга чидамлилигини ошириш, Tottori University (Япония) олимлари томонидан ўсимликларнинг замбуруғли касалликларига қарши самарали таъсир этувчи кимёвий препаратлар яратиш, Биокимё ва генетика институтининг Уфа илмий маркази (Россия) томонидан олиб борилган тадқиқотлар асосида ўсимликларнинг ўсиши ва ривожланишини авжлантирувчи ҳамда замбуруғли касалликларига қарши таъсир этувчи физиологик фаол бирикмаларни аниқлаш, ВИР (Россия) ҳамда Хужайра биологияси ва ген инженерияси институти (Украина)да *in vitro* шароитда ўсимликларнинг замбуруғли касалликларига қарши таъсир этувчи физиологик фаол моддаларни аниқлаш ҳамда ген муҳандислиги асосида чидамли генларни аниқлаш бўйича олинган натижалар илмий тадқиқот жараёнлари ҳамда амалий фаолиятда қўлланилмоқда.

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 28 январдаги ПҚ-4575-сон «Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган стратегиясида белгиланган вазифаларни 2020 йилда амалга ошириш чора-тадбирлари»² тўғрисидаги Қарори

МДХ давлатларида ўсимликларга таъсир этувчи стресс омилларни стероид табиатли бирикмалар билан бошқариш (Шакирова, 2001, 2006, Кинтя 1993); стероидли гликозидларнинг ўсимликларни ўсиши ва ривожланишига таъсир этиши, сув алмашинуви ҳамда фотосинтез ва нафас олиш, ҳосилдорлиги каби биологик жараёнларга таъсири, патоген ва ташқи экстремал омилларга чидамлилигига таъсири каби физиологик хусусиятлари А.Г.Жакотэ (1997), А.Ф.Кирилов (2008), Г.В.Шишкану (2008), Г.А.Карпова (2008)лар томонидан олиб борган тадқиқотларда; ўсимликлар патогенлар билан инокуляция қилинганда ҳимоя оқсилларининг фаолият механизмлари ҳамда фитоиммунитетни самарали бошқарилишига кўмаклашувчи молекулаларнинг хусусиятларини ўрганиш натижалари И.В. Максимов (2005), Е.А. Черепанова (2007), Р.М. Хайруллин (2008) тадқиқотларида ўз аксини топган.

Республикамизда олиб борилган тадқиқотларда ДНК фрагментлари полиморфизмига асосланган молекуляр маркерларни ўрганиш (И.Абдурахмонов, 2011); оқсиллар спектри ва оксидоредуктазлар изоэнзимларидан иммунитет намоён бўлишининг ташхисловчи белгиси сифатида фойдаланиш (Шодмонов, 2009; Юнусхонов, 2010); ғўза, бошоқли дон, картошка экинлари учун иммуностимуляторлар сифатида хитозан асосли янги препаратларни яратиш (Рашидова, 2012) бўйича тадқиқотлар олиб борилган. Шунингдек, айрим қишлоқ хўжалиги ўсимликларининг ўсиши ва ривожланишига физиологик фаол моддалар таъсири бўйича ижобий натижалар олинган (Лукьянова, 2001; Д.Далимов, 2006, 2011; А.А.Ахунов, 2012, 2009). Лекин олиб борилган тадқиқотларда буғдойнинг ўсиши ва ривожланишида замбуруғли касалликларга чидамлилигини оширувчи индукторларни аниқлаш ёки яратиш билан боғлиқ тадқиқотлар кам амалга оширилган. Шунга кўра буғдойнинг ўсиш-ривожланиш босқичларида замбуғли касалликларга чидамлилигини ошириш хусусиятларига эга бўлган табиий ва синтетик индукторини аниқлаш ёки яратиш билан боғлиқ тадқиқотларни амалга ошириш долзарб ҳамда илмий-амалий жиҳатдан аҳамиятга эга ҳисобланади.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим ёки илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Гулистон давлат университети базасидаги «Экспериментал биология» лабораториясининг «Ўсимликларнинг ўсиши ва ривожланишига биотик ва абиотик омиллар таъсирини тадқиқ қилиш» мавзусида олиб борилаётган тадқиқотлар доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади буғдойнинг замбуруғли касалликларга чидамлилигини оширувчи ва *Fuzarium* замбуруғи касаллигига самарали таъсир этувчи индукторлар яратишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

фузариум замбуруғига самарали таъсир этувчи ва буғдойнинг замбуруғли касалликларига нисбатан чидамлилигини оширувчи табиий

бирикмалар асосли компонентларни синтез қилиш ва физик-кимёвий хусусиятларини ўрганиш;

In vitro шароитида *Fuzarium* замбуруғининг ривожланишига ГК асосли супрамолекуляр комплексларнинг таъсирини ўрганиш;

ГК асосли супрамолекуляр ва микроэлементли комплексларни фузариум замбуруғи ва буғдойнинг ўсиши ва ривожланишига таъсирини ўрганиш;

ГК асосли комплекслари таъсирини *Fuzarium* замбуруғи геномидаги ДНКсига қўйилган ПЗР реакцияси маҳсулоти асосида ўрганиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида кузги буғдойнинг маҳаллий селекциясига мансуб Бобур, Андижон-2 ҳамда Ғозғон навлари, замбуғунинг *Fuzarium* туркумига мансуб *F.Poaе*, *F.oxysporum* турлари олинган. Тадқиқотларда маҳаллий ширинмия ўсимлиги илдизидан ажратиб олинган. ГК асосида яратилган ГКМАТнинг 2-амино 1,3,4-тиадиазол, 3-амино 1,2,4 триазол, бензотриазол билан супрамолекуляр комплексларидан ҳамда КупраТехГК, четдан олиб келинган фунгицид Фундазолдан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг предмети буғдой навларини ташқи стресс омилларга чидамлилиқ хусусиятларини табиий ва физиологик фаол моддаларнинг таъсир хусусиятлари асосида ўрганиш; буғдойнинг замбуруғли касалликларига чидамлилигини оширувчи табиий ва сунъий индукторлар таъсирини баҳолаш; буғдойнинг ўсиши ва ривожланишини авжлантирувчи, фунгицидлик хусусиятига эга бўлган индукторлар яратишдан иборат.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот ишини олиб бориш жараёнида биокимё, биоорганик кимё, ўсимликлар физиологиясининг умум қабул қилинган тадқиқот методлари, ўсимликлар биотехнологияси усуллари ҳамда молекуляр-биологик (экстракция, чўктириш, ажратиш, гел-электрофорез, ДНК ажратиш, Полимераза занжир реакцияси) усулларидан фойдаланилган. Кузги буғдой навлари кўрсаткичлари SPSS-14 дастури ёрдамида ҳисобланган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

буғдойнинг ўсиши ва ривожланиш босқичларида ҳамда дони таркибини молекуляр-генетик ёндашувлар асосида фузариоз касаллигини келтириб чиқарувчи *Fuzarium* замбуруғининг *F.oxysporium*, *F.paoe* турлари аниқланган;

буғдой ниҳоллари ва донида аниқланилган *Fuzarium* замбуруғига ГКнинг Тиадиазол, аминотриазол, бензотриазол билан супрамолекуляр ва микроэлементи комплексларининг самарали таъсири аниқланган;

ГК асосли комплексларни замбуруғли касалликларга қарши таъсир этиш хусусиятлари билан бирга буғдойнинг ташқи таъсир этувчи омилларга чидамлилигини оширишдаги индукторлик хусусиятлари исботланган;

фузариум замбуруғига самарали таъсир этувчи ва буғдойнинг замбуруғли касалликларига нисбатан чидамлилигини оширувчи ГКнинг бензотриазол билан бирга ГК-БТ супрамолекуляр ва микроэлементли комплекси асосида эса КупраГК ҳамда ТГК асосида КупраТехГК препаратлари яратилган;

ГК асосли супрамолекуляр (ГК:БТ) ва ТГК асосли микроэлементли (КупраТехГК) комплексларни фузариум замбуруғига таъсирини молекуляр-генетик таҳлил қилиш асосида буғдойни замбуруғли касалликларга чидамлилигини оширувчи индуктор сифатида баҳоланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қўйидагилардан иборат:

буғдойнинг ўсиши ва ривожланиши босқичлари ҳамда дони таркибида молекуляр-генетик ёндашувлар асосида фузариоз касаллигини келтириб чиқарувчи *Fuzarium* замбуруғининг *F.oxysporium* *F.paoe* турлари аниқланилган ва уларга қарши самарали таъсир этувчи ГКнинг Тиадиазол, Аминотриазол, Бензотриазол билан супрамолекуляр ва микроэлементли комплексларининг самарали таъсири аниқланиб синовдан ўтказилган;

фузариум замбуруғига самарали таъсир этувчи ва буғдойнинг замбуруғли касалликларига нисбатан чидамлилигини оширувчи табиий бирикмалар асосли комплекслари аниқланган ва ГКнинг бензотриазол билан супрамолекуляр ва микроэлементли комплекси асосида ГК-БТ ва КупраГК ҳамда ТГК асосида КупраТехГК препарати олинб, ишлаб чиқаришда фойдаланиш учун тавия этилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончилиги замонавий биокимёвий ва биотехнологик, молекуляр-биологик (экстракция, чўктириш, ажратиш, гел-электрофорез, ДНК ажратиш, полимераза занжир реакцияси) тадқиқот усуллари қўлланганлиги, тадқиқот натижалари назарий маълумотларга мос келиши билан тасдиқланади. Олинган натижаларнинг статистик таҳлили SPSS-14 дастури ёрдамида қилинган ва ўртача қийматларнинг ишончилилик интервали қийматлари аниқланган. Олинган натижаларнинг исботи соҳа мутахассисларининг эксперт сифатида берган баҳолари ва тадқиқот натижаларининг амалий намоёиш этилиши ҳамда республика ва халқаро миқёсда ўтказилган анжуманлардаги муҳокамаси, рецензияланган илмий нашрларда чоп этилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундаки, буғдой ниҳолларини фитопатогенезга чидамлилигини ошириш билан боғлиқ ҳолда аниқланилган ва яратилган индукторларнинг иммун тизими фаоллигини оширишдаги роли ва ўзига хос қонуниятлари ўсимлик чидамлилигини оширишнинг молекуляр механизмини аниқлашда аҳамиятга эга. ГК асосли бирикмаларни тадқиқот натижалари ўсимликларнинг ўсиши ва ривожланишига стресс омиллар таъсирини бошқаришнинг илмий асосларини аниқлаш билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти, табиий бирикмалар асосли индукторларнинг қишлоқ хўжалигида фойдаланиши билан боғлиқ маълумотлар ушбу йўналишда янги авлод препаратларини яратилишига асос бўлиб, олинган натижалар ўсимликларни касалликларга чидамlilik ва ўсимлик ҳосили ҳамда ҳосил сифатини ошириш имконини беради.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Буғдойнинг ўсиши ва ривожланишига ва замбуруғли касалликларига самарали таъсир этувчи индукторлар таъсирини аниқлаш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

ГК:БТ препарати Сирдарё вилоятининг Сайхунобод ва Боёвут туманларида ғалла майдонларида буғдойни занг замбуруғидан химоя қилишда Байлетон коммерциал препарати билан солиштириш асосида жорий қилинган (Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2020 йил 23 ноябрдаги 02/021-3915-сон маълумотномаси). Натижада, коммерциал препарат Байлетонга нисбатан замбуруғли касалликлар билан зарарланишни 10–15%гача камайтириш, буғдой ҳосилдорлигини гектарига 6,5–7,0 центрга ошириш имконини берган;

КупраТехГК, ва ГК:БТ препаратлари ПЗ-2017092765 рақамли “Ширинмия илдизпоясидан ажратилган глицирризин кислотаси асосида буғдойнинг ўсишини мувофиқлаштирувчи, фунгицидлик хусусиятига эга бўлган препарат яратиш ва олиш технологиясини ишлаб чиқиш” мавзусидаги амалий лойиҳада буғдой донларига экишдан олдин ишлов бериш ва вегетатив ривожланиш босқичларида фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 20 октябрдаги 89-03-4079-сон маълумотномаси). Натижада, буғдойнинг маҳсулдор поялар сонини 1 метр квадратда назоратга нисбатан 1,21 мартага, ҳосилдорлигини эса гектарига 7,5–8,0 центрга ошириш имконини берган;

ГК:БТ супрамолекуляр комплекси С-А-2018-005 “Шўрга чидамли ўсимликлар генофондини бойитиш, сақлаш, репродукция олиш ва ундан ишлаб чиқаришда фойдаланишни йўлга қўйиш” мавзусидаги амалий лойиҳада ўсимликларни замбуруғли касалликлардан сақлаш ва химоя қилишда фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 2 ноябрдаги 89-01-4341-сон маълумотномаси). Натижада, тажриба ва дала майдонларида ўсимлик намуналарини замбуруғли касалликлардан сақлаш ва химоя қилиш имкониятини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 3 та халқаро ва 6 та республика миқёсида ўтказилган илмий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларнинг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 6 та илмий иш чоп этилган, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертация бўйича мақолаларни чоп этишга тавсия этилган илмий журналларда 6 та мақола, шундан 3 та республика ва 3 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, бешта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловадан иборат. Диссертациянинг ҳажми 120 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объект ва предметлари тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган,

тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Ўсимликларнинг ўсиши ва ривожланиши ҳамда патогенларга чидамлилигини экзоген бошқариш”** деб номланган биринчи боби ўсимликларнинг ўсиши ва ривожланиши ва замбуруғли касалликларга физиологик фаол моддалар – регуляторларнинг таъсирини ўрганиш билан боғлиқ бўлган адабиёт маълумотлари таҳлили баён қилинган.

Регуляторларнинг табиий ёки синтетик жиҳатдан аҳамияти ўсимлик метаболизмига таъсир хусусиятлари билан баҳоланиши ёритиб берилган. Бу ўсимликлардан фойдаланишнинг интенсив технологияларини яратилиши, яъни ҳосилдорлик ва ҳосил сифатини ошириш билан боғлиқ ҳолда озуқа элементларини ўзлаштириш даражасини аниқлашда ёрдам бериш хусусиятлари билан ҳам тавсифланиши таҳлил қилинган.

Шунингдек, ўсимликлар иммунитетини оширувчи антидот ва индукторларнинг моддалар алмашув жараёнларини иммуномодулятор ва адаптогенлар таъсири остида фаоллаштириш ўсимликларнинг стрессга чидамлилиги ва гербицидларга таъсирини ошириш кўрсаткичлари таҳлил қилинган.


Диссертациянинг **“Буғдойни ташқи биотик стресс омиллар таъсиридан химоя қилиш ва чидамлилигини ошириш хусусиятига эга бўлган индукторлар олиш, кимёвий биологик хусусиятларини ўрганиш усуллари”** деб номланган иккинчи бобида олиб борилган тадқиқот объектлари ва методлари баён қилинган. Тадқиқотларга кузги буғдой навлари ва замбуғунинг *Fuzarium* туркумига мансуб *F.Poaе*, *F.oxysporum* замбуруғ турлари олинган. Тадқиқотларда ГК асосида яратилган ГКМАТнинг тиадиазол, аминотриазол, бензотриазол супрамолекуляр комплексларидан фойдаланилган.

Фузариум ва буғдойнинг ривожланишига қайд этилган препаратларнинг таъсири морфологик жиҳатдан ва молекуляр-генетик жиҳатдан таҳлил қилинган методлари ёритилган.

Диссертациянинг **“Табиий бирикмалар асосли индукторлар олиш ва кимёвий/биологик хоссаларини ўрганиш”** деб номланган учинчи бобида ГКнинг бензотриазол (БТ) билан супрамолекуляр комплекси синтези натижалари баён қилинган. ГК:БТ (2:1) супрамолекуляр комплекси инфрақизил (ИҚ)-спектроскопия услуби ёрдамида кимёвий идентификацияланган. Бунда таҳлил жараёни бошланғич маҳсулотлар (ГК ва БТ; ГКМАТ:БТ) ва якуний маҳсулот яъни, ГК:БТ (2:1 ва 4:1) ҳамда ГКМАТ:БТ (2:1 ва 4:1) супрамолекуляр комплексининг ИҚ-спектрларини ўзаро солиштириш асосида амалга оширилди (1А, Б, С, Д-расмлар). ГК билан БТ супрамолекуляр комплекслар ҳосил бўлишида “Мехмон-мезбон” комплекслари ЯМР-спектроскопия методи ёрдамида ўрганилди.

ГКнинг БТ билан супрамолекуляр комплекси гидрофоб ўзаро таъсир ва шунингдек водород боғлар ҳисобига ҳосил бўлиши кўрсатилди.


Комплекснинг спектридан кўриниб турибдики, ГК ва БТ спектрларига нисбатан сигналларнинг сезиларли даражада сурилиши кузатилмайди, бу эса комплексларда сигналлар силжишига сабаб бўладиган етарли даража кучли водород ёки ион боғлари йўқлигини билдиради. Қуйидаги расмда ГК нинг БТ билан 4:1 нисбатдаги супрамолекуляр комплексининг ИҚ-Фурье спектрлари келтирилган (1-расм).



1-расм. А. ГК:БТ нинг 2:1 нисбатдаги; Б. ГК:БТ нинг 4:1 нисбатдаги; С.ГКМАТ:БТ нинг 2:1 нисбатдаги; Д.ГКМАТ:БТ нинг 4:1 нисбатдаги ИҚ-спектрлар. Тажрибаларда стандарт БТ («Eastman Kodak», АҚШ) фойдаланилди. ИҚ-Фурье спектрлари $4000-400\text{ см}^{-1}$ ютилиш диапазонида ИҚ-Фурье спектрофотометри курилмаси («Perkin-Elmer Spectrum IR»-10.6.1; АҚШ) ёрдамида қайд қилинди. Спектрлар $>4\text{ см}^{-1}$ рухсат этилиш қиймати шароитида аниқланди. Синов-намуналари таркибидаги намликни адсорбциялаш учун вакуум шароитида (0,1-0,05 мм с.у.) спектрал тоза ҳолатдаги KBr («Merck», Германия) таблеткаси шаклида прессланди.

Тажрибаларда ГК:БТ (4:1) супрамолекуляр комплексининг ИҚ-Фурье-спектрлари қуйидаги тавсифларга эгаллиги аниқланди. Жумладан, ГК:БТ (4:1) супромолекуляр комплексининг ИҚ-Фурье-спектрларида бир қатор валент соҳаларнинг дастлабки агентлар кўрсаткичларига нисбатан силжиш ҳолатлари қайд қилинди. -ОН гуруҳига тегишли валент тебранишлар ГК:БТ (4:1) супромолекуляр комплексида 3243 см^{-1} соҳада ютилиши аниқланди ва бу ҳолат, водород боғлар ҳосил бўлишидан далолат беради.

Амалга оширилган тажрибаларда ГК ва БТ супрамолекуляр комплексларини синтез қилинди ва уларнинг ИҚ-Фурье спектрлари асосида $4000-400\text{ см}^{-1}$ диапазонда валент соҳаларнинг дастлабки агентлар кўрсаткичларига нисбатан силжиш ҳолатлари қайд қилинди. Жумладан, -ОН гуруҳига тегишли валент тебранишлар супрамолекуляр комплексида водород боғлар ҳосил бўлишидан далолат бериши, С-О-С ва С-ОН боғларнинг ютилиши соҳаларида интенсив пик кузатилиши ҳамда ГК нинг С=О карбоксил гуруҳларининг ютилиш соҳаси ўзгармаслиги қайд қилинди.



ГКМАТ:БТ супрамолекуляр комплексининг ИҚ-Фурье спектрлари.

2-расм. А-Бензотриазол, Б-Глицирризин кислотаси, В-ГКМАТ:БТ супрамолекуляр комплекси 2:1 нисбатда,С- ГКМАТ:БТ супрамолекуляр комплекси 2:1 нисбатда.

Ҳосил қилинган ГК:БТ супрамолекуляр комплекслари бўйича аниқ маълумотларга эга бўлиш учун уларнинг физик-кимёвий константаларини аниқладик (1.1-жадвал).

1-жадвал.

ГК:БТ супрамолекуляр комплексларининг физик-кимёвий константалари

№	R	n	T _{суюқ} ·°C	[α] _d , концентрация 0,5%	Унум, %
1	БТ	2	162±2	+26,5; 50% EtOH	86,7

Таркиби 2:1 нисбатда бўлган эритмадаги комплекслар нисбати бўйича *K* коэффиценти қуйидаги формула асосида ҳисобланди:

$$K = \frac{\Delta A_0 \Delta A_1}{c(\Delta A_0 - \Delta A_1)^2}, \quad (1)$$

Бу ерда *c* – модданинг умумий концентрацияси, ΔA_0 – модданинг диссоциацияланиш кўрсаткичи бўлмаган ҳолдаги оптик зичлигини ўзгариши, ΔA_1 – эгри чизикқа мос равишда модданинг оптик зичлигини ўзгариши.

Комплекс ҳосил бўлиш жараёни учун Гиббс эркин энергияси (ΔG) 2 формула ёрдамида ҳисобланди.

$$\Delta G = -2,3RT \lg K. \quad (2)$$


2-жадвалда супрамолекуляр комплекслар учун *K* ва ΔG кўрсаткичлари бўйича аниқланган маълумотлар қайд этилган.

25⁰С (рН-7.2) шароитда сувли эритмада ГКнинг БТ билан комплекс ҳосил қилишининг термодинамик параметрлари

№	K, M^{-1}	$\Delta G, \text{Дж/моль}$
ГК:БТ	$1.86 \pm 1 \times 10^4$	$-2.43 \pm 1 \times 10^4$

Диссертациянинг “Индукторларни буғдойнинг ўсиши ва ривожланиши ва замбуруғли касалликларига таъсири” деб номланган тўртинчи бобида ўрганилган препаратлар қуйидаги концентрацияларда 15 мг/л, 7,5 мг/л, 4 мг/л, 2 мг/л ёки инструкция бўйича тавсия этилган таъсир этувчи модданинг пропорциясига мос бўлган ҳолда ўрганилди. Тажрибада озуқа муҳитда 5 ва 10 кун давомида шаклланган патогенларнинг мицелиялари диаметри ҳисобланди.

12 г агар-агарли Мурасиге Скуга (Murashige and Skoog) озуқа муҳити гормонсиз ҳолда тайёрланди. Озуқа муҳити рН 5,8 ни ташкил этди. Озуқани автоклавда 120⁰С ҳарорат, 2 атм босимда 30 минут давомида стерилизацияланди. Материалларни тайёрлаш, экиш ҳамда асептик шароитда ишлаш тартиби стерил ҳолатда амалга оширилди.




3-расм. Фузариум *Fusarium Solani* замбуруғи мицелияларининг (d,mm) ўсишига эритма концентрацияснинг таъсири

ГК:БТ, ГК:АТ, ГК:Тиадиазол супромолекуляр комплекслари ва КупраТехГК ҳамда қиёсий солиштириш учун камерциал препарат фундазолнинг фузариум касаллигини тарқатувчи фузариум *Fusarium* туркумига мансуб *F.Solani*, *F. Poae*, *F.sporotrichoides* замбуруғларига турли даражада таъсир этиш билан бирга, индуктор сифатида буғдой донларининг ўсиши ва ривожланиши босқичида гормонал таъсир этиш хусусиятларини ҳам намоён қилди. Яъни ушбу препаратлар таъсирида доннинг унувчанлик энергияси ва унувчанликни кўрсаткичларини ошиши, илдиз тизимининг ривожланишининг авжланиши кузатилди.

Бирламчи маълумотлар шуни кўрсатдики (4-расм), препаратлар эритма концентрациясининг ортиб бориши замбуруғнинг ўсиши ва ривожланишини секинлаштирди.

ГК:БТ, ГК:АТ, ГК:Тиадиазол супромолекуляр комплекслари ва КупраТехГК ҳамда қиёсий солиштириш учун камерциал препарат фундазолнинг таъсири ўрганилди. ГК:БТ 2 мг вариантда замбуруғ мицелиялари қатламининг диаметри 116,80 мм ни ташкил этган бўлса, бу назоратдан (132,18 мм) 13,37 мм га кичик яъни препарат таъсирида 11,6% кичрайиш ҳолати кузатилди (4-расм). Худди шу каби кўрсаткичлар бошқа комплекслар таъсирида ҳам кузатилди. Эритма концентрацияси ортиб бориши тегишли равишда замбуруғнинг ривожланишига таъсир кўрсатди. ГК:АТ 4 мг вариантда мицелиялар қатламининг диаметри 114,77 мм, ГК:БТ 7,5 мг-86,96 мм ва ГК:БТ 10 мг 63,21 мм тенг бўлди. Юқори концентрацияли эритмада назоратга нисбатан замбуруғ диаметри 68,96 мм кичик бўлди. Деярли 50 % га замбуруғларнинг ўсиши секинлашди.



4-расм. ГК:БТ супромолекуляр комплексининг ҳар хил концентрацияли эритмалари таъсирида фузарум замбуруғининг ривожланиш кўрсаткичлари

ГК:АТ билан олиб борилган тадқиқот натижаларида айнан ГК:БТ билан олинган натижалар қайд этилди. Бу ерда ҳам эритма концентрациясининг ортиб бориши замбуруғнинг ўсишини секинлаштирди. Юқори концентрацияда (ГК:АТ 10 мг) замбуруғли майдон диаметри 46.66 мм га кичрайди. Бунда ГК:БТ да ушбу кўрсаткич 68.96 мм тенг бўлган эди. Демак, ГК:АТ супромолекуляр комплекси ГК:БТ нисбатан замбуруғнинг ўсишига кам таъсир кўрсатди. ГК:Тиадиазол тузи билан ўтказилган тажрибада ҳам эритма концентрациясининг ортиб бориши билан замбуруғнинг ўсишига таъсир кўрсатди. Эритма концентрацияси 2 мг бўлганида замбуруғли майдон диаметри 125.47 мм га тенг бўлган бўлса, юқори концентрацияда (ГК:Тиадиазол 10 мг) 91.91 мм ни ташкил этди. Натижада назоратга нисбатан замбуруғнинг ўсиш диаметри 40.26 мм кам бўлди. КупраТехГК эритмасининг таъсири бошқа вариантларга нисбатан

кучсиз бўлди. Ушбу вариантда эритма концентрацияси 2 мг бўлганида замбуруғли майдон диаметри 125.47 мм, 10 мг вариантда эса 109.34 мм бўлди. Бу назоратга нисбатан 22.83 мм кам кўрсаткич эканлигини кўрсатди.

Буғдойнинг ўсиши ва ривожланишида замбуруғларга таъсир этиш ва чидамлилигини ошириш фаоллигига эга бўлган ГК:БТ ҳамда ГК:АТ тўғрисида аниқ хулосалар чиқариш учун ҳосилдорликка таъсирини ҳам таҳлил қилиш муҳим аҳамиятга эга. Шунга кўра тадқиқотлар давомида ГК:БТ ва ГК:АТнинг буғдойнинг ҳосилдорлигига таъсирини ҳам таҳлил қилдик (3-жадвал).

3-жадвал

Замбуруғларнинг кузги буғдой маҳсулдорлигига таъсири


Вариантлар	Маҳсулдорлик 1м2,г			Сумма	Ўртача	Ўртача кўрсаткич дан фарқи	Замбуруғ бўйича фарқи
	1	2	3				
	ҚАЙТАРИКЛАР						
Ғ.Роае	499	530,5	612	1641,5	547,17	-27,23	±0,00
ГК БТ+Ғ.Роае	715	622	568	1905	635,00	+60,60	+87,83
ГК АТ+Ғ.Роае	406	519	573	1498	499,33	-75,07	-47,84
Ғ.Sporotrichoides	595	501	489	1585	528,33	-46,07	±0,00
ГК БТ+Ғ.Sporotrichoides	830	607	705	2142	714,00	+139,60	+185,67
ГК АТ+Ғ.Sporotrichoides	567	379	354	1300	433,33	-141,1	-95,00
Ғ.oxyspoium	491,5	522	473,5	1487	495,67	-78,73	±0,00
ГК БТ+Ғ.oxyspoium	671	758	723	2152	717,33	+142,93	+221,66
ГК АТ+Ғ.oxyspoium	492	513	309	1314	438,00	-136,4	-57,67
Ғ.Solani	658	570	527,5	1755,5	585,17	+10,77	±0,00
ГК БТ+Ғ.Solani	686	593	627	1906	635,33	+60,93	+50,16
ГК АТ+Ғ.Solani	840	66	676	1582	527,33	-47,07	-57,84
Ғ.Graminarium	593	548	555	1696	565,33	-9,07	±0,00
ГК БТ+Ғ.Graminarium	688	562	654	1904	634,67	+60,27	+69,34
ГК АТ+Ғ.Graminarium	703	676	603	1982	660,67	+86,27	+95,34
Ўртача					574,44		
НСР ₀₅ =						188.8	188.8 г
НСР ₀₁ =						261.54	261.54

Назорат сифатида буғдойга замбуруғ таъсир этилган вариант олинди. Ушбу маълумотларни статистик таҳлили шуни кўрсатдики, Ғ.Роае замбуриғи таъсирида кузги буғдойнинг ҳосилдорлиги ўртача 547.17 г., ГК:БТ+Ғ.Роае вариантда 635.0 г., ГК:АТ+Ғ.Роае вариантда 499.33 г. ни ташкил этди. Ушбу маълумотлардан фақат ГК:БТ+Ғ.Роае вариантда кузги буғдой назоратга (Ғ.Роае) нисбатан 60.60 г. кўп ҳосил берди. Лекин ушбу кўрсаткич (НСР₀₅=188.8 г)дан катта бўлмаганлиги учун фарқ ҳақиқий деб ҳисобланмайди. Кейинги ГК БТ+Ғ.Sporotrichoides вариантда ўртача ҳосилдорлик 714 г.ни ташкил этди. Ушбу вариантда 185.67 г. кўп ҳосил

олиниб, фарқ ($HCPO_5=188.8$) га яқинроқ бўлди. Математик жиҳатдан ҳақиқий фарқ $ГК:БТ+F.oxysporium$ вариантда қайд этилди. Бу вариантда +221.66 г. ҳосил олиниб ($HCPO_5=188.8$ г) дан катта бўлди. Умуман олганда ҳосилдорликка замбуруғли вариантлардан $ГК:БТ+F.Sporotrichoides$ ва $ГК:БТ+F.oxysporium$ таъсирини ҳақиқий деб ҳисоблаш мумкин.

Тадқиқотлар давомида *Fuzarium* туркумига мансуб *F.Solani*, *F. Poae*, *F.sporotrichoides* замбуруғ турларига $ГК:БТ$, $ГК:АТ$, $ГК:Ти$ адиазол ва *SupraTechGK* таъсири фундазол комерциал препарат таъсир кўрсаткичлари солиштириш асосида ўрганилди. Шунингдек, ушбу препаратлар буғдой донининг унувчанлиги ва ривожланиш босқичларида чидамлилигини оширувчи индуктор сифатида таъсир хусусиятларини намоён қилди.

Диссертациянинг «Буғдойнинг ўсиши ва ривожланиши ва замбуруғли касалликларига таъсири кўрсаткичларининг молекуляр-генетик таҳлили» деб номланган бешинчи бобида Буғдойда учрайдиган замбуруғ касаллигини аниқлаш ва буғдой ниҳолларида фузариум замбуруғи ва уларнинг ривожланишига $ГК$ асосли супрамолекуляр комплекслар таъсири натижаларини молекуляр-генетик диагностикаси натижалари баён қилинган. ПЗР ва реал тайм ПЗР дан фойдаланиб, замбуруғларни диагностика қилиш ва зарарланиш даражаси аниқланди. $ГК:БТ$ ва $ГК:АТ$ таъсирида буғдойнинг замбуруғ билан зарарланиш даражасини молекуляр-генетик таҳлил қилдик.




5-расм. Буғдойнинг Фузариум билан зарарланиш даражасини молекуляр диагностика қилиш схемаси

Дастлаб, буғдойнинг 3 та навлари: Бобур, Андижон-2 ва Ғозғон уруғлари $ГК:БТ$ ва $ГК:АТ$ препаратлари ҳамда фузариум мицелийси (*F.Poae*) билан ишлов берилди ва тажриба майдончасига экилди. Замбуруғлар билан зарарланган буғдой ўсимлигидан геном ДНКси СТАВ усули ёрдамида

ажратиб олинди ва ДНК концентрацияси NanoDrop 3300 (Thermo Fisher, USA) спектрофотометрида бир хил концентрацияга келтириб олинди. ПЗР эса ООО «АгроДиагностика» (Россия) компанияси тавсия этган махсус реагентлар тўплами ёрдамида олиб борилди. Ушбу тўплам Таq полимераза, буфер, нуклеотидлар ва праймер жуфтлигидан иборат. Натижалар эса гель-электрофорез ва RT-PCR усуллари кўллаган ҳолда таҳлил қилинди.

Буғдой ниҳолларидан ажратиб олинган геном ДНК намуналарининг ПЗР дастлаб 2.5% агароза гелида таҳлил қилинди. ПЗР маҳсулотини солиштиришда 50 н.ж. даги ДНК маркеридан фойдаланилди.

Натижалар шуни кўрсатдики, бунда контрол яъни фузариум билан зарарланмаган буғдой навларининг бирортасида фузариум ДНКси аниқланмади. Шунингдек, контрол + ГК:БТ ёки ГК:АТ билан ишлов берилган, аммо фузариум билан зарарлантирилмаган намуналарда ҳам фузариум ДНКси ПЗР реакциясида негатив натижа берди. Буни, агароза гелида кўрсатилган расмдаги 1 ва 2- намуналардан ҳам яққол кўриш мумкин (6-расм).



6-расм. ПЗР маҳсулотининг 2.5% агароза гелида кўрсатилган натижалари.

А- бу ерда, М-маркер; 1- Назорат; 2- ГК:БТ билан ишланган; 3- Фақат F.роае билан зарарланган; 4-ГК:БТ+F.роае биргаликда ишлов берилган; 5- ГК:БТ+F.роае биргаликда ишлов берилган (май ойи). **Б-** бу ерда, М-маркер; 1- Назорат; 2- ГК:АТ билан ишланган; 3- Фақат F.роае билан зарарланган; 4-ГК:АТ+F.роае биргаликда ишлов берилган; 5- ГК:АТ+F.роае биргаликда ишлов берилган (май ойи).

Олиб борган тадқиқотларимиз давомида яна шу нарса аниқ бўлдики, буғдой уруғлари ГК:БТ ёки ГК:АТ эритмалари ҳамда фузариум мицелияси (F.Роае) билан ишлов бериб экилганда, буғдой ниҳолларининг дастлабки босқичларида фузариум билан касалланиш даражаси камайди. Ушбу тадқиқотдаги 1,2,3 ва 4-намуналар ноябрь ойида яъни униб чиққан

нихоллардан ажратиб олинган ДНК намуналарида кузатилди. Май ойида экилган буғдой намуналари ривожланишнинг сўнги босқичи, шу билан бирга ҳосилдорликка катта таъсир этувчи босқичга ўтади. Айнан мана шу босқичда ажратиб олинган ўсимлик намуналарида фузариум ДНКсига қўйилган ПЗР реакцияси салбий натижани кўрсатди.

Худди шундай кўринишдаги намуналар qRT-PCR усулида ўсимликлардаги экспрессиянинг такрорланиш сони таҳлил қилинди (4-жадвал). Бунда ажратиб олинган ДНК намуналари дастлаб бир хил концентрацияга келтирилди ва ООО «АгроДиагностика» (Россия) компанияси тавсия этган метод ёрдамида реал тайм реакцияси қўйилди. Ушбу реакция ДТ-96 амплификатор (ООО «НПО ДНК-технология») ускунасида амалга оширилди.

4-жадвал

ГК:БТ билан ишлов берилган буғдой намуналарининг фузариум билан зарарланишини реал тайм ПЗР даги таҳлили

Буғдой нави	Экилиш тартиби		Реал тайм ПЗР да аниқланиши	
			Микдори %	Натижа
Бобур	1	Назорат	--	--
	2	Бобур+ГК:БТ	--	--
	3	Бобур+Ф.роае	30,7	++
	4	Бобур+ГК:БТ+Ф.роае	24,7	+-
	5	Бобур+ГК:БТ(май ойи)	--	--
Андижон-2	1	Назорат	--	--
	2	Андижон-2+ГК:БТ	--	--
	3	Андижон-2+Ф.роае	31,0	++
	4	Андижон-2+ГК:БТ+Ф.роае	28,3	+-
	5	Андижон-2+ГК:БТ(май ойи)	--	--
Ғозгон	1	Назорат	--	--
	2	Ғозгон+ГК:БТ	--	--
	3	Ғозгон+Ф.роае	31,7	++
	4	Ғозгон+ГК:БТ+Ф.роае	26,6	+-
	5	Ғозгон+ГК:БТ(май ойи)	--	--

Натижалар шуни кўрсатадики, фузариум геномидаги махсус локуснинг ПЗР маҳсулоти ГК:БТ ёки ГК:АТ эритмалари билан ишлов берилган намуналарда камроқ эканлиги кузатилди. Аксинча фақат фузариум билан зарарланган буғдой намуналарида ПЗР маҳсулоти юқорида эканлиги кўрсатиб берилди.

Миннатдорчилик. Олиб борилган тадқиқотлар давомида буғдойда фузариоз касаллигини келтириб чиқарувчи *Fuzarium* замбуруғини молекуляр генетик таҳлил қилиш бўйича тегишли ғоя ва маслаҳатлари билан ёрдам

берган биология фанлари доктори профессор Мухамедов Рустам Султановичга муаллиф ўзининг миннатдорчилигини билдиради.

ХУЛОСАЛАР

1. ГКнинг бензотриазол билан супрамолекуляр (ГК-БТ), ГК ва ТГКнинг микроэлементли (КупраГК, КупраТехГК) комплексларининг *Fuzarium* замбуруғининг ривожланишига таъсири ва буғдойнинг замбуруғли касалликларига нисбатан чидамлилигини оширувчи индукторлик хусусиятлари аниқланган.

2. Буғдой ниҳоллари ва донида аниқланилган *Fuzarium* замбуруғига ГКнинг Тиадиазол, аминотриазол, бензотриазол билан супрамолекуляр ва микроэлементли комплекслари коммерциал препаратларга нисбатан самарали таъсир этади.

3. Глициризин кислота асосли комплексларни замбуруғли касалликларга қарши таъсир этиш хусусиятлари билан бирга буғдойнинг ташқи таъсир этувчи омилларга чидамлилигини оширишдаги индукторлик хусусиятлари кўрсатиб берилган.

4. Буғдойнинг ўсиши ва ривожланиши босқичлари ҳамда дони таркибини молекуляр-генетик таҳлил қилиш асосида фузариоз касаллигини келтириб чиқарувчи *Fuzarium* замбуруғининг *F. oxysporium* ва *F. poae* турларини ДНК праймерлари ёрдамида аниқлаш асосида ниҳолларни замбуруғ билан касалланишини диагноз қилиш ва унинг олдини олиш имконини беради;

5. ГК:БТ, ГК:АТ, ГК:Тиадиазол супрамолекуляр ва микроэлементли КупраТехГК комплекслари *Fuzarium* туркумига мансуб *F. Solani*, *F. Poae*, *F. sporotrichoides* замбуруғларига турли даражада таъсир этиш билан бирга, буғдойнинг замбуруғли касалликларга чидамлилигини оширувчи индукторлик хусусиятларини ҳам намоён қилади.

6. ГК:БТ, ГК:АТ ва КупраТехГК препаратларининг замбуруғга қарши таъсири ва индукторлик хусусиятлари ўсимлик намуналарида *Fuzarium* замбуруғи ДНКсига қўйилган ПЗР реакцияси салбий натижани кўрсатиши асосида исботланди.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.27.06.2017.Т.08.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ГУЛИСТАНСКОМ ГОСУДАРСТВЕННОМ
УНИВЕРСИТЕТЕ**

ГУЛИСТАНСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ УНИВЕРСИТЕТИ

ШАПУЛАТОВ УТКИРЖОН МУХАММАДИЕВИЧ

**ПРИРОДНЫЕ И СИНТЕТИЧЕСКИЕ ИНДУКТОРЫ ПОВЫШАЮЩИЕ
УСТОЙЧИВОСТЬ ПШЕНИЦЫ К ГРИБКОВЫМ ЗАБОЛЕВАНИЯМ**

02.00.10 – Биоорганическая химия

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD) по
БИОЛОГИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Гулистан – 2020

Тема диссертации доктора философии (Doctor of Philosophy) по биологическим наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за № В2017.4.PhD/T516.

Диссертация выполнена в Гулистанском государственном университете.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-сайте Ученого совета (www.biochem.uz) и на Информационно-образовательном портале «Ziynet» (www.ziynet.uz).

Научный руководитель: **Кушиев Хабибжон Хожибобоевич**
доктор биологических наук, профессор

Официальные оппоненты: **Хашимова Нигора Рустамовна**
доктор биологических наук, старший научный сотрудник

Убайдуллаева Хуршида Абдуллаевна
доктор биологических наук, старший научный сотрудник

Ведущая организация: **Институт микробиологии АН РУз**

Защита диссертации состоится «___» _____ 2020 года в ___ часов на заседании Научного совета DSc.03/05.06.2020.B.91.03 при Гулистанском государственном университете по адресу: 120100, г. Гулистан, 4-микрорайон., Тел.: 225-42-75, факс: (99867) 225-40-42.

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно ресурсном центре Гулистанского государственного университета (зарегистрирован №___). (Адрес: 120100, г. Гулистан, 4-микрорайон., Тел.: 225-42-75, факс: (99867) 225-40-42), e-mail: zafar@mail.ru).

Автореферат диссертации разослан «___» _____ 20__ года.
(реестр протокола рассылки № ___ от «___» _____ 2020 года).

З.Т.Тилябаев

Зам.председатель ученого совета по
присуждению ученых степеней, д.б.н., профессор

З.У.Абдикулов

Ученый секретарь научного совета по
присуждению ученых степеней, к.б.н., доцент

Н.Хашимова

Председатель научного семинара по
присуждению ученых степеней, д.б.н., с.н.с.

ВВЕДЕНИЕ

Актуальность и востребованность темы диссертации. На сегодняшний день удовлетворение продовольственных потребностей растущего населения мира имеет первостепенное стратегическое значение, при этом основное место занимает сельскохозяйственная продукция. Пшеница выращивается в качестве продукта питания почти во всех странах мира (FAO, 2018). Количество выращиваемой пшеницы в соответствии с потребностями населения мира с годами увеличивается и согласно соответствующим источникам в 2024 году оно достигнет 788 миллионов тонн. Хотя количество выращиваемой пшеницы увеличивается из года в год, защита урожая от биотических факторов, том числе, от грибковых заболеваний и улучшение качества урожая путем использования в системе природных соединений на основе созданных индукторов, все ещё остается актуальной задачей. Поэтому, особое внимание уделяется проведению исследований по определению или созданию индукторов на основе природных соединений повышающих устойчивость проростков пшеницы к внешним стрессовым факторам и качеству зерна, по физиолого-биохимическому, молекулярно-генетическому анализу их влияния.

По результатам и данным исследований, проведенных в крупных научных центрах мира, в странах, выращивающих пшеницу, связанной с пищевыми продуктами, зарегистрированы случаи грибковых (25 видов), бактериальных (3 вида) и вирусных (12 видов) заболеваний в проростках пшеницы и зерне (Dubeiller, Singh et al, 2014; Койшыбаев, 2018). В соответствии с этим, проводятся исследования по повышению активности иммунной системы пшеницы против болезней. Оценка состояния иммунной системы пшеницы инфицированной грибковыми возбудителями, выявление молекулярных структур и механизмов повышающих устойчивость естественных физиологически активных соединений имеет большое научное и практическое значение. В связи с этим необходимо оценить состояние иммунной системы растений против грибковых возбудителей, создать эффективные индукторы на основе выявления молекулярных структур и механизмов, повышающих устойчивость природных физиологически активных соединений.

В нашей стране особое внимание уделяется контролю над растениями на этапах их роста и развития с использованием природных физиологически активных веществ под воздействием внешних биотических и абиотических стрессовых факторов. Также, достигнуты результаты по устойчивости к внешним стрессовым факторам на основе молекулярно-генетических исследований биологических признаков по повышению урожайности и качества урожая. Стратегия действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан ставит конкретные задачи по «Стимулированию научно-исследовательской и инновационной деятельности, созданию эффективных

механизмов внедрения научных и инновационных достижений»¹. В этих целях, определение молекулярно-генетического механизма повышения устойчивости пшеницы, имеющую стратегическое значение в нашей стране, к грибковым фитопатогенам с помощью природных физиологически активных веществ имеет большое научное и практическое значение.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит выполнению задач, предусмотренных в Указе Президента Республики Узбекистан «О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан» №УП-4947 от 7 февраля 2017 года, Постановление Президента Республики Узбекистан «О мерах по коренному совершенствованию системы семеноводства в Республике Узбекистан» №ПП-3683 от 27 апреля 2018 года, Постановление Президента Республики Узбекистан «О мерах по реализации в 2020 году задач, определенных в Стратегии развития сельского хозяйства Республики Узбекистан на 2020-2030 годы»² № ПП-4575 от 28 января 2020 года, а также другие нормативные документы, связанные с этой деятельностью, в определенной степени служат выполнению задач, указанных в исследовании данной диссертационной работы.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики. Данное исследование выполнена в соответствии с приоритетными направлениями развития науки и технологий Республики Узбекистан V. «Сельское хозяйство биотехнология, экология и охрана окружающей среды».

